

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИҚТИСОДИЁТ
ФАКУЛЬТЕТИ**

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**“” Худудларнинг инвестицион фаоллигини оширишнинг
молия-кредит механизми” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Иқтисодиёт” таълим
йўналиши битирувчи 4-курс
талабаси ЯнгибаевЗ.С. _____

ИЛМИЙ РАЎБОР:
к ўқт. Отамуродов Ш.Н.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
« 18 » сонли баённомаси « _____ » « _____ » 2012 йил

Термиз – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инвестицион фаоллик ва давлатнинг инвестиция сиёсати,

1.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг мазмуни ва моҳияти.

1.2. Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит ва инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари

2 боб Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида инвестицион фаолликни ошириш йўллари

2.1. Ўзбекистон ҳудудларида инвестицион муҳит ва уни яхшилашнинг молиявий асослари

2.2 Инвестицион фаолиятни молиялаштиришда тижорат банкларнинг иштирокини кучайтириш йуллари

2.3. Ҳудудлар инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги миллий иқтисодиётнинг ривожланишида янги саҳифа очди. Иқтисодиётда таркибий ўзгариш-лар амалга оширилди. Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланди. Хусусий сектор иқтисодиётимизда етакчи ўринга эга бўлди.

Кейинги йилларда транспорт мажмуасига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳага, шу жумладан таълим соҳасига инвестициялар тобо-ра кўпайиб бормоқда. Бундай тузилмавий ўзгаришлар жаҳон хўжали-гига кириб бориш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишига эри-шиш имкониятларини яратади.

Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устивор тармоқларини янада ривожлантириш, мулкчиликнинг турли шакллари асосида ташкил топган хусусий секторни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлар-даги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпай-тириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади.

Инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молия-вий манбаларни, барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Инвестициялар учун зарур молиявий ресурсларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда, ўз моделини амалга ошираётган Ўзбекистон инвестицияларни молиялаштиришнинг самарали усуллари, механизмлари ва воситалари-ни излашда давом этмоқда. Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танловини ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий ресурсларни излаб топиш, капитал бозорини тегишли солиқ сиёсати асосида

ри-вожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш усулларини аниқлаш билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳал қилиш заруратини кўндаланг қилиб қўяди. Мамлакат инвестиция фаолиятида, айниқса, хорижий инвестициялар иштироки кучайиши билан бу масалалар аҳамияти ошиб боради.

И.А. Каримов таъкидлашича, “Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кен-гайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас”¹. Бу борада И.А.Каримов тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисида фикр билдириб: - “Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур”² тарзида баҳолайди. Инвестиция фаолиятидаги бурилишлар, таъкидланган вазифаларни ечиш; инвестициялашни давлат механизмини эркинлаш-тириб бориш ва бозор механизмлари қўлланиладиган соҳаларни кен-гайтириш; инвестициялашни ўз жамғармалари ҳисобидан таъмин-лашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; лойиҳавий, корпоратив молиялаштириш, синдикатлаштирилган кре-дитлаш, лизинг каби янги усуллардан фойдаланиш соҳаларини кен-гайтириш талаб қилинади. Инвестицион қарорларни қабул қилиш ва самарадорликни баҳолашда, айниқса молиялашда хорижий манбалар-ни кенгайиб бориши муносабати билан ташқаридан жалб этиладиган ресурсларнинг нарх ва қийматларини ҳисобга олиш зарурати пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 393-бет.

² Каримов И. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 Т.: «Ўзбекистон», 2001, 265-бет.

муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларни янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди»³ деган ўз фикрларини айтиб ўтди.

Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб қилади. Инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида хилма-хил фикрлар мавжуд. Инвестициялар назарияси ўзининг тарихий ривожланиш жараёнида бир қанча босқичларни босиб ўтган. В.В. Аладьининг фикрича инвестицияларнинг дастлабки белгилари Австрия иқтисодчи олимлари мактабининг илмий ишларида кўриш мумкин.²

Уильям Ф. Шарп, Гордон. Дж. Александр, Джеффри В. Бэйли инвестициялар ҳақида узларининг асарларида фикрлар билдириб ўтганлар. Уларнинг фикрича инвестиция келажакка каттароқ фойда кўриш учун бугунги пулдан ажралишдир. Тадқиқот жараёнида ёритилган мавзуга бағишланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда МДХ мамлакатлари, жумладан россиялик иқтисодчи олимлар П.И. Вахрин, Н.В. Игошин, С.В. Валдайцев, П.П. Воробьев, Я.С. Мелкумов, Г.И. Иванов, В.П. Жданов сезиларли илмий ишлар олиб боришга эришганлар. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам инвестицион фаолиятнинг иқтисодий масалаларини ўрганиш бўйича жиддий илмий изланишлар олиб борилмоқда ва муайян муваффақиятга ҳам эришилди. Хусусан, А. Ўлмасов,

³Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 43 бет.

² Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации./В.В. Аладьин.-М:Социум, 2002. с.17

М.Шарифхужаев, Д. Ғозибек, А.Узоқов, Э.Носиров, Т.Жураев каби олимлар мамлакатимизда инвестицион фаолликни ошириш бўйича илмий ишлар олиб борганлар.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Илмий тадқиқотнинг мақсади иқтисодийни модернизациялаш шароитида инвестицион фаолликни оширишнинг молия-кредит механизмини янада такомиллаштириш ва хорижий инвестицияларнинг республика иқтисодиётидаги ўрни, манбалари таҳлил қилиб, унинг келгусида ривожлантириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қўйилган.

- Иқтисодийни модернизациялаш шароитида давлатнинг фаол инвестиция сиёсатини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- Хорижий инвестицияларнинг иқтисодийнинг ривожланишида тутган ўрнини белгилаш ва таҳлил қилиш;
- Хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестиция жозибадорлигини ошириш асосий йўналишларни таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш;
- Республикада инвестицион фаолликни оширишда молия – кредит механизмини ролини ошириш мақсадида тегишли илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти ва предмети. Мамлакатимиздаги инвестициялар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш жараёнлари тадқиқотнинг объектидир. Предмети сифатида Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг амалиёти таҳлили ўрганиб чиқилади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Илмий тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт стратегиясининг назарий ва методологик йўналишлари, хусусан иқтисодийни модернизациялаш шароитида давлатнинг фаол инвестиция сиёсати тамойили, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабўл

қилинган қонунлар, ҳукумат қарорлари, ушбу мавзу бўйича етакчи олимларнинг илмий тадқиқот натижалари, хорижда ва мамлакатимизда тўпланган илмий, амалий тажриба ва хулосалардан унумли фойдаланилган. Илмий ишда мантиқий схемалаш, статистик гурухлаш, динамик қаторлаш, жадвалларни аналитик таққослаш каби услублардан фойдаланилди.

Иш тузилиши ва таркиби. Илмий иш кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион фаоллик ва давлатнинг инвестиция сиёсати,

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг мазмуни ва моҳияти.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий иқтисодий тушунчалари сифатида инвестициялар тушунчасининг бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамияти, зарурлигини кўрсатиб, уни очиқ беришга бўлган заруриятни келтириб чиқаради. Бу тушунча ўзи билан бирга инвестиция лойиҳалари тушунчаси, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш, уларнинг техник иқтисодий асосланиши ва экспертизаси, лойиҳавий таҳлил, лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинги каби бир қатор янги қўплаб тушунча ва иқтисодий билимларни кашф этиши уларнинг бугунги иқтисодий ҳаётимизда нақадар муҳимлигини англаб олишимизга сабаб бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда ҳар бир билим соҳиби англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан чет эл инвестицияларини кенгрок жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш кийин эмас.³

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

Хорижий инвестициялар, капитал маблағларини жамғариш, замонавий

³ А.С Жўраев, Д.Ю. Хўжамкулов, Б.С. Маматов «Инвестиция лойиҳалари таҳлили» Тошкент «Шарк»2007

технологиялардан фойдаланиш имкониятларини яратиш орқали миллий инвестиция бозорларининг шаклланишига кўмаклашибгина қолмасдан, товар ва хизмат кўрсатиш бозорлари ривожланишининг бошқа омилларига ҳам ҳаракатлантирувчи таъсир кўрсатади. Бундан ташқари хорижий инвестициялар макроиқтисодий барқарорлашув чора-тадбирларини ишлаб чиқаришга ҳам кўмаклашади. Шундай экан уларни жалб этиш суръатларини ошириш лозимдир.

Ўзбекистон республикаси Президенти И.А. Каримов “Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустақамлашмасдан туриб, энг муҳими, инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин”⁴ Деган Сўнги даврлар мобайнида халқаро капитал миграцияси жараёни шиддат билан амалга ошмоқда.

Ҳар қандай жамиятнинг яшаши учун ишлаб чиқариш узлуксиз давом этиши шарт. Унда узилиш юз берса кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари қондирилмайди. Ишлаб чиқаришнинг доимий такрорланиб туриши ва умуман иқтисодиётнинг аҳволи инвестицияларнинг ҳолатидан келиб чиқади.

Узоқ йиллар мобайнида режали иқтисодиёт даврининг иқтисодий адабиётларида «инвестиция» ва «капитал қўйилмалар» тушунчалари тор маънода ва бир хил мазмунда талқин қилиниб келинган. Аслида эса, «инвестиция» тушунчаси ўз мазмуни жиҳатидан анча кенгрокдир. Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб

⁴ Каримов И.А “Озод ва обод ватан, эркин ва форовон ҳаёт-пировард мақсадимиз”. Т. «Ўзбекистон» 2000 й 66-бет

қилади. Бу, ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари тизимидаги ўрни инвестицияларга боғлиқ бўлиб турибди»⁵ - деб бежиз таъкидламаган эдилар. Шунга кўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсидаги инвестицияларни талаб қилади.

Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

Шунингдек, инвестициянинг мамлакат миқёси ёки ундан ташқарида амалга оширилишига қараб ички ва ташқи (хорижий) инвестицияларга ажратилади. Агар ички инвестицияда бир мамлакат ичидаги қўйилмалар назарда тутилса, инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшаётган мулкый бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади. Чет эл инвестицияси - бу нафақат молия ресурслари, шунингдек янги техника, замонавий чет эл технологияси, бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг янгича усуллари ҳамдир. Чет эл сармояларини жалб этишда чет эллик инвесторларга уларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритишлари учун қулай инвестиция иқлими яратиб бериш лозим.

Ҳозирга қадар «инвестиция» тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни «тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги

⁵ Каримов И. А. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 февралдаги маърузаси, «Халқ сўзи» газетаси, 17 феврал, 1-бет.

бойлик» деб тушунсалар, айримлари лотинча «invest» сўзининг айнан таржимаси «солиш» деган маънони билдиришидан келиб чиққан ҳолда «капитал солиш» билан бирдай қилиб таърифлайдилар.

Хусусан, Нобел мукофотининг иқтисодиёт буйича лауреати бўлган У. Ф. Шарпнинг энг оммабоп ҳисобланган «Инвестиция» дарслигида - «Инвестициялар келгусида (эҳтимол номуайян) қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир»⁶ - деб таърифланади. «Инвестициялаш» атамасининг маъносини бу қўлланма муаллифи қуйидагича шарҳлайди: «Келажақда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва ҳисоблайдиларки, ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин»

Швед иқтисодчи олими Клас Эклунд фикрича, «инвестиция - бу келажақда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир»⁷. Бу иқтисодчи олим инвестицияларнинг моҳиятини соддароқ талқин қилган бўлиб, у «капитал қўйилмаларга» берилган таърифга кўпроқ мос тушади.

Самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);
- муаллифлик ҳуқуқи, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан (нау-хау) ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиӣ ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда

⁶ Шарп У., Г.Александр, Дж. Бейли «Инвестиции», Пер. с. англ.-М.: «ИНФРА», 2000 й., 979-бет

⁷ Клас Эклунд «Эффективная экономика», шведская модель М.: «Экономика», 1991 й., 96-бет.

мулкчилик ҳуқуқлари;

- бошқа бойликлар.

Шунингдек инвестиция тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида «Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар»⁸ сифатида ҳам таърифланади. Фикримизча, бу атаманинг барча жиҳатларини умумлаштириб, қуйидагича таъриф бериш лозим. «Инвестиция» - бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг "Инвестиция соҳаси мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади"⁹, - деб таъкидлаган фикрига бевосита тўғри келади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, инвестиция иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи «асосий бирламчи» элементи деган хулоса қилиш мумкин.

Хулоса қилиб, инвестиция тўғрисидаги таҳлиллар ва берилган таърифга асосланиб ҳамда иқтисодиёт ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг қўйидаги вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

■ иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини оптимал жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларини шакллантиришга имкон яратиш;

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни, 1998 й., 24 декабр, «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, 4-сон, 1999 й, 3-бет.

⁹ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иқтисодиётнинг устувор йўналишлари. // Халқ сўзи. –1999 й., 17 феврал.

■ иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга тадбиқ этиш;

■ иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш киради.

Инвестициялар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин (1.1.1-расм).

1.1.1-расм



Шунингдек инвестицияларни қуйидаги турларига ажратиш мумкин.

Асосий фондлар ва айланма маблағларга инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги бойликлар реал инвестиция деб тушунилади. Реал инвестициялар орқали ишлаб чиқариш корхоналари қурилади, ҳаракатдаги корхоналар техник қайта қуроллантирилади ва умуман асосий фондлар такрор ишлаб чиқарилади. Молия инвестициялар деб, қимматли қоғозлар (акция, облигация) сотиб олишга ва банк деаозитларига узоқ муддатга жалб қилинган қўйилмалар тушунилади. Инвестор портфелли (молиявий) инвестицияни амалга ошириш орқали қимматли қоғозларидан (акция,

облигациялар) даромад (дивиденд) олиб, қз молиявий капиталини қсишига эришади.

Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг ривожланиб бориши билан қимматли қоғозлар бозори тарақий этиб, молиявий инвестициялар қўйиш жараёни фаоллашади. Шунингдек, мулкни хусусийлаштириш ва молиявий бозорнинг ривожланиши республикамизга чет эл инвестицияларнинг катта ҳажмда кириб келишига имконият яратади.

Интеллектуал инвестицияларга мутахассисларни тайёрлаш, тажриба, илмий текшириш, лицензия ва ноу-хоу бериш, авторлик ҳуқуқи ва бошқалар киради.

Инвестициялар ким томонидан киритилишига қараб 2 турга бўлинади:

Ички инвестициялар – бу мамлакат ҳудудида ички инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ҳисобланади.

Ташқи инвестициялар – бу фойда олиш мақсадида чет эл инвестролари томонидан бошқа давлат иқтисодиётига қўйиладиган инвестициялардир.

Инвестициялар иқтисодий категория сифатида қатор функцияларни бажарадики, уларсиз ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётни нормал ривожлантириш мумкин эмас.

Инвестициялар макродаражада:

1. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш сиёсатини амалга оширишда;
2. Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, миллий маҳсулотларни рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини оширишда;
3. Соғлиқни сақлаш, маданият, таълимни янада ривожлантириш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ечишда;
4. Ишсизлик муаммосини ечиш ёки енгиллаштиришда;
5. Давлатнинг ҳарбий қудратини таъминлашда ва бошқа

муаммоларини ечишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб-чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш;

1. Асосий фондларни жисмоний ва маънавий эскиришига йқл қўймаслик;

2. Корхона мақсулотини рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш;

3. Қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа корхона активларига қз маблағини сарфлаш мақсадларига эришиш учун зарурдир.

Демак, юқоридагилардан куриниб турибдики, инвестициялар иқтисодий категория сифатида макро ва микродаражада муҳим роль уйнайди.

1.2. Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит ва инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари.

Давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади – иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш, корхоналар ва компанияларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш, номарказлашган инвестициялашга концентрациялаштириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш. Давлат инвестиция сиёсатини юритишдан кузланадиган мақсадлар каторига шуни киритиш керакки, давлат доимий равишда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва мажбуриятларини бажариши устидан назорат олиб бормоқда. Давлат инвестиция сиёсати - бу иқтисодиётнинг устивор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устивор инвестицион лойиҳаларни қўллаб қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устиворлик кичик бизнес субъектлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузишга қаратилади. Давлат инвестиция сиёсати мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва шу асосда инвестиция иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган. Юқоридагиларни амалга ошириш мақсадида, республика қонунчилик органлари томонидан «Инвестиция фаолияти тугрисида»ги қонун, «Хорижий инвестициялар тугрисида» Хорижий инвесторлар ҳуқуқларинининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб амалда қўлланилмоқда, ҳамда шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари шаклида қабул қилинган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар инвесторлар фаолияти давомида қўлланилмоқда .

Давлат инвестиция сиёсатининг устивор йўналишлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестициялар, улар ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- иқтисодий туб ислохотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;

- инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш


Компенсация келишувлари томонларнинг ўзаро маҳсулот етказиб бериш, уларнинг сифати, миқдори ва баҳоси юзасидан ўзаро битимларини ифодаловчи тижорат шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатда инвесторлар ишлаб чиқариш воситаларига ва материалларига йирик буюртмалар олишади, тайёр маҳсулот етказиб бериш кафолатига эга бўлишади; буюртмачи-давлат эса ўзининг капитал сарфларисиз ишлаб чиқариш қувватларини яратади, янги хом ашё ресурсларини, янги технологияларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлишади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислохотлар олиб борилмоқда. Бундай ислохотларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, Давлатнинг инвестицион сиёсати, унинг устивор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ. Мустақилликнинг қисқа даврида инвестицион фаолиятни ошириш, уни кучайтириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар ўтказилди, инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари чиқарилди ва ҳаётга тадбиқ қилинмоқда.

2010 йилда белгилаб олинган инвестиция дастурида энг юкори кўрсаткич корхона маблағлари ҳиссасига (42,6 фоиз) тўғри келиши, ундан сўнг эса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (21,3 фоиз)ни жалб этиш орқали амалга оширилиши режалаштирилган. Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари ва Тикланиш ва тараққиёт маблағлари ҳисобига 2010 йилда жами инвестицион маблағларнинг 22,6 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қувватларини модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юкори даромад олишига эришиш, бўларнинг оқибатида эса, мамлакат фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилган (1.2.1-расм).

1.2.1-расм



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 137 бет.

Бу борада тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва

худудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутди. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айтиш керакки, жиддий хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истикболлар ва имкониятлар ҳамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг мамлакатимизга ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Сўнгги йилларда жалб этилган ҳамда изчил ва янада иқтисодий ўсиш, янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини кўтаришнинг ишончли манбаига айланган узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 35 миллиард доллардан ошди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг

«Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида – Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Кореянинг «ДЭУ интернэйшнл», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

Хорижий инвестиция жалб этишнинг бундай шаклини зарар кўриб ишловчи йирик саноат корхоналарини реструктуризация қилиш учун кредит олиш мақсадида давлат томонидан танлаб олинган корхоналарда ҳам қўллаш мумкин. Бунда кредит воситалари корхонани қайта ташкил этишни амалга оширишни бир марталик (пассив) молиявий қўллаш учун ишлатишни назарда тутди, яъни корхонага туб таркибий ёки ишлаб чиқариш технологияси ўзгаришлари учун янги капитал қўйилмалар ажратилмайди. Бундай қўллашдан мақсад корхонани йириклаштириш, зарар келтирадиган ва самарасиз активлардан рационал фойдаланишни ифодалайди. Бу воситалар, шунингдек, корхона зарар келтирувчи объектларининг ижтимоий тавсифдаги харажатларини коплаш ва уларни тартибга солиш тадбирларини молиялаштириш кабиларга ишлатилиши мумкин. Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ўояларини амалга оширишда лицензия импорти ёрдамида энг яхши чет эл намуналаридан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳим роль ўйнаши мумкин.

Лицензия импорти - бирор жисмоний ёки юридик шахс (лицензиар)нинг патент билан ҳимояланган ўз кашфиёти, технологияси, техник билими, тажрибаси, ишлаб чиқариш сирлари, савдо маркасини бошқа шахс (лицензиат)га фойдаланиш учун беришга келишиш (рухсатнома)дир. Лицензия предметини бериш лицензия шартномалари билан расмийлаштирилади ва лицензиарга қўшимча харажатларсиз фойда

келтиради. Лицензиатга лицензияни қўлга киритиш шу ишни ўз кучи ва воситалари билан бажаришдан кўра анча арзон тушади.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши анча мураккаб бўлган жорий йилда ҳам, келгуси 2010 йилда ҳам Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни камида 8,3 фоиз даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги энг обрўли халқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор тасдиқланган.

Шу ўринда ички инвестициялардан фойдаланиш борасида ҳам мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларига янада жалб этиш бўйича қўнимча чоратадбирлар комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди. Хорижий инвестиция фаолиятида бу омил иқтисодиётнинг жозибадорлигини белгилашдаги мезонлардан бири ҳисобланиб, у виза борасида қўллаб - қувватлаш ва божхона тартиби талаблари билан тавсифланади. Айниқса, ўтиш даври мамлакатлари, хусусан МДХ, мамлакатларида бу соҳанинг тўўри йўлга қўйилишидан инвестиция фаолиятининг истиқболдаги ривожини узвий боўлиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича:

- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал

кўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Республикамизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли Қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфоинвест» агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир. Инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилди.

Инвестицияларни янада жалб этиш бўйича қўнимча чора-тадбирлар комплекси доирасида банк тизимида ишлар янада фаоллашди. Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилишни кўйидаги чизма маълумотларида кўришимиз мумкин.

«Ўзинфоинвест» агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:

- давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати лойиҳалари;
- ҳудудий инвестиция дастури лойиҳалари;
- давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш йиғма рўйхати;

- грант маблағлари.

2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;

3) кимосди савдоларига мулкый мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

1.2.2-расм

Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 139 бет.

Шунинг билан бирга «Ўзинфоинвест» агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб музокаралар ташкил этишга кўмаклашиш, инвесторларга республика инвестицион салоҳияти, шунингдек солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот беради

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тобора чуқурлашиб, миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида туб сифат ва миқдор ўзгаришларини содир этмоқда.

Бу макроиқтисодий барқарорлик, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ва аҳоли турмуш даражасининг ошишида яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур ижобий ўзгаришларда инвестицияларнинг аҳамияти бекиёс. 2010 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал этувчи устувор йўналишга айланди.

Айни пайтда инвестициялар молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда, (1.2.1 жадвал).

Жадвал маълумотлари бўйича инвестициялашнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2009 йилдаги 9,0 фоиздан 2010 йилда 8,1 фоизга, корхоналар ва аҳоли маблағлари улуши тегишли равишда 53,9 фоиздан 46,9 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, шу даврда 25,8 фоиздан 32,4 фоизгача ошган.

1.2.1 жадвал

**Ўзбекистонда инвестицияларни молиялаштириш
манбалари бўйича ўзгариши динамикаси, фоизда**

Молиялаштириш манбалари	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

Ушбу рақамлар миллий иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришларни амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эгалigidан далолат беради. Инвестиция муҳити сармояни самарали қўйиш учун янги имкониятлар ва рағбатларни шакллантиради.

Бошқача қилиб айтганда, қулай инвестиция муҳити яратилиши корхоналар учун даромадлар ўсиши ва харажатлар ҳамда рисклар камайишини таъминлайди. Натижада, қулай инвестиция муҳити яратилиши туфайли меҳнат унумдорлигининг ўсиши, инновацияларни татбиқ қилиш, сифат ва маҳсулот рақобатбардошлиги, аҳоли бандлигини кўтариш, турли даражадаги бюджетга солиқ тўловларини ошириш таъминланади. Ҳар томонлама қулай инвестиция муҳити бизнес-тузилмаларнинг фаолият самарадорлигига таъсир этади, бу эса, инвестициялашга хос бўлган даромадлар ва капиталнинг ўсишига олиб келади.

Ҳар қандай хўжалик тизимининг инвестиция муҳити доимо ижобий ёки салбий томонга, айниқса, ўтиш даври иқтисодиётида ўзгариб турадиган фавқулоддаги ҳолат ҳисобланади. Шу сабабли, инвестиция муҳитининг доимий мониторингига зарурат туғилади. Яъни, бизнинг фикримизча, мамлакат ва унинг ҳудудларида мониторинг тизимини минтақалар ва тармоқлар даражасида мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, республика инвестиция сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шуларни инобатга олиб, диссертацияда мамлакатда иқтисодий ислохотлар жараёнида шаклланган инвестиция сиёсати ва уни амалга ошириш механизмлари таҳлил қилинган. Шунга кўра, инвестиция муҳити мониторингининг беш поғонали модели асосланган, (1.2.3-расм).



Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2.3-расм Кўп поғонали инвестиция муҳитининг мониторингини ташкил этиш тизими

Хўжалик субъектлари даражасидаги инвестиция муҳити яратилиши инвестиция фаоллигини кўрсатувчи макроиқтисодий омиллардан бири сифатида тавсифланади. Инвестиция муҳитининг ушбу ўзига хос аҳамиятини ҳисобга олиб, унинг бошқарувини ташкил этиш зарур. Ҳудудий инвестиция сиёсати инвестиция муҳитига бошқариш омиллари орқали таъсир этиши инвестициялаш шартларининг сифатини яхшилашга туртки бўлади.

Мамлакат ва ҳудудий инвестиция муҳитини бошқариш ҳуқуқий, маъмурий, ташкилий, молиявий, иқтисодий воситалар ёрдамида амалга оширилади. 1.2.4-расм ҳудудий инвестиция муҳитини бошқариш тамойиллари тақдим этилган.



Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2.4-расм Ҳудудий инвестиция муҳитини бошқариш тамойиллари

Қулай инвестиция муҳити шаклланишининг асосий иқтисодий омиллари бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатлари ва бозор институтларининг мавжудлиги ва энг аввало, мустаҳкам хўжалик қонунчилиги, ривожланган кредит-банк тизими мавжудлиги ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий жиҳатдан қулай инвестиция муҳити яратилганлигини қуйидаги омиллар амал қилиши орқали кўришимиз мумкин:

- кенг рағбатлантириш чораларининг мавжудлиги;
- хусусий мулкчиликнинг тез ривожланишининг рағбатлантирилиши;
- саноатнинг устувор соҳаларини жадал ривожлантириш зарурлиги;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб турган қувватларни модернизация қилиш ва янгиларини барпо этишнинг қўллаб-қувватланиши;
- экспорт салоҳияти ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг рағбатлантирилиши;
- экспорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар ҳиссаси ва ҳажмини кўпайтиришнинг қўллаб-қувватланиши.


2 боб Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида инвестицион фаолликни ошириш йўллари

2.1. Ўзбекистон ҳудудларида инвестицион муҳит ва уни яхшилашнинг молиявий асослари

Фикримизча, инвестицион муҳит - муайян мамлакатга (ёки ҳудудга) инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар мавжудлигининг ижобий ёки салбий томонларини англатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, киритилиши назарда тутилган инвестициялардан келадиган даромадларни йўқотиш эҳтимолига боғлиқ бўлган мажбурий тўловлар, солиқлар, кредит фоизи ва шу каби харажатлардан ташқари ўзига боғлиқ бўлмаган депозитарийлар, банк ва молия муассасалари, инфратузилма институтлари, брокерлар, рўйхатдан ўтказувчилар, шартнома мажбуриятларини бажармаслик каби бошқалар айби билан йўқотишдан кўрилган зарарларни қоплашдаги барча харажатларнинг йиғиндисини ҳам ҳисобга олишимиз лозим.

Амалда инвестицион жозибадорлик бўйича ҳар бир минтақанинг интеграл рейтинги салоҳият турларига мансуб ўртача кўрсаткичлар бўйича ҳисоблаб чиқилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки мамлакатлардаги инвестицион муҳитни аниқлаш ва унинг рейтингини амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан 10 та асосий кўрсаткич бўйича чуқур ўрганади. Шулар жумласидан, статистик кўрсаткичларнинг амалдаги қиймати бир неча минтақада тенг бўлган ҳолларда бутун гуруҳга ўртача рейтинг қиймати берилади. Инвестицион хатар даражаси бўйича эса, ҳар бир минтақанинг интеграл рейтинги шу минтақа учун танлаб олинган хатар кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади ва "1" рейтинг қийматини энг паст хатарга эга бўлган минтақа олади.

Тадқиқотимиз таҳлиллари натижасига асосан, ҳозир Ўзбекистонда инвестициялаш учун барқарор салоҳиятга эга бўлган минтақалар сифатида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятлари етакчилик қилмоқда. Салоҳият (минтақанинг Ўзбекистондаги улуши) ва хатарнинг (Ўзбекистон бўйича ўртача хатар билан таққослаганда) амалдаги кўрсаткичларини баҳолашда мазкур минтақаларнинг инвестицион шароитлари юқори эканлиги аниқланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон минтақаларининг аксарияти «муаммоли ҳудуд»ни ташкил қилинишини ҳисобга олиш лозим. Шу сабабли мамлакатимиз минтақалари ўртасидаги инвестицион муҳитнинг ноқулайлик даражаси бўйича табақалашувининг янада кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Натижада, ҳудудларда фаолият юритмаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони ва улуши инвестицион муҳити ноқулай бўлган минтақаларда кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. 2009 йил ҳолати бўйича (1-расм).



1-расм. 2009 йили ҳудудларда фаолият юритмаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони ва улуши¹⁰

Келтирилган 1-расмдаги маълумотлар шуни англатадики, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларининг инвестицион муҳити жозибадор ҳисобланса-да, жалб этилган амалда фаолият юритмаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони ва улуши борасида катта қисмни ташкил этмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги натижасида инвесторлар ушбу ҳудудларга инвестиция киритишган. Лекин, уларни

фаолияти жараёнида айрим муаммоларнинг вужудга келиши туфайли, улар фаолият юритмаётган корхоналар каторига тушиб қолишган.

Корхонанинг банкротлик жараёнига бориши натижасида корхонада мулк ҳукукини йўқотиш эҳтимоли юқори эканлигини ҳисобга олиб, инвесторлар барқарорликни ҳис этмайди ва ушбу корхонага инвестицияларни жойлаштирмасликка ҳаракат қилади. Тўпланган қарзлар миқдори ошиши ҳар қандай қўйилмалар киритишни олдиндан фойдасиз қилиб қўяди. Фикримизча, бундай вазиятда мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилишдан кўра, уларни қўллаб-қувватлаш, барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда банклар томонидан имтиёзли қайта кредитлаш ҳисобига соғломлаштириш лозим. Шу билан бирга, корхоналарда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш ва таннархни энг камида 20 %га пасайтириш билан банкротлик ёқасига бориб қолган корхоналарни тиклаш чора-тадбирларини кўриш кўпроқ самара беради.

Маҳаллий ҳокимиятлар сиёсати қулай инвестицион муҳит шаклланишига таъсир этувчи омилларидан бири ҳисобланади. Мамлакатдаги айрим маҳаллий ҳокимиятларнинг инвестицияларни жалб этишдаги сиёсати талаб даражасида эмаслиги натижасида мазкур ҳудудларнинг фаолияти қониқарсиз ҳолатга келганлигини қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

Инвестицияларнинг ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар¹¹, (%)

№	Худудлар	Йиллар				
		2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
	Республика бўйича, жами	100	100	100	100	100
1.	Қорақалпоғистон Рес-си	5,5	12,8	9,8	5,2	4,8
2.	Андижон вилояти	3,3	3,2	3,5	3,6	3,3
3.	Бухоро вилояти	8,4	7,6	10,1	19,5	18,8
4.	Жиззах вилояти	2,2	2,1	2,1	1,8	1,2
5.	Қашқадарё вилояти	18,2	18,7	18,0	17,5	12,7
6.	Навоий вилояти	7,8	7,6	5,5	4,7	6,3
7.	Наманган вилояти	3,3	3,0	4,0	3,8	4,2
8.	Самарқанд вилояти	6,1	5,5	5,4	4,4	5,5
9.	Сурхондарё вилояти	5,0	6,6	6,0	4,1	4,6
10.	Сирдарё вилояти	2,0	2,0	1,7	1,7	1,2
11.	Тошкент вилояти	3,0	7,7	8,7	10	8,8
12.	Фарғона вилояти	4,4	4,2	5,1	5,3	6
13.	Хоразм вилояти	2,0	2,4	2,5	1,7	1,4
14.	Тошкент шаҳри	19,3	16,6	17,6	16,0	18,2
15.	Таксимланмаган маблағлар	9,5	1,3	1	0,7	0,6


Келтирилган 1-жадвал таҳлилари натижаси шуни кўрсатадики, асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича таркибида

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги расмий веб-саҳифасининг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган ва ҳисоб-китоб қилинган.

2006-2010 йилларда Қорақалпоғистонда 5,5 фоиздан 4,8 фоизга, Жиззах вилоятида 2,2 фоиздан 1,2 фоизга, Сирдарё вилоятида 2,0 фоиздан 1,2 фоизга, Хоразм вилоятида 2,0 фоиздан 1,4 фоизга қадар камайганлиги асосий капиталга сарфланаётган инвестицияларнинг улуши ва инвестицион жозибадорлик кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудлар эканлигини кўрсатмоқда.

Инвестициялар жалб этиш зарурлиги кўплаб минтақаларда сезилади, шу сабабдан инвесторларга солиқдан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар тақдим этилади. Мазкур имтиёзлар қонунчиликка асосланган ҳолда амалга оширилишини ҳисобга олсак, қонунчиликда кўзда тутилган рағбатларнинг асосий тури фискал (минтақавий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқларни тўлаш бўйича) имтиёзлар ҳисобланади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Навоий ва Самарқанд вилоятларида маҳаллий ҳокимиятнинг қулай инвестицион микромуҳит яратиш бўйича ҳаракатлари туфайли, бир нечта лойиҳалар амалга оширилган. Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб минтақаларига нисбатан табиий-географик ва иқлим шароитлари бир мунча яхшироқ бўлган бошқа ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятни бу соҳага эътиборсизлиги кўплаб потенциал инвесторларнинг инвестиция киритиш ҳоҳишини сўндиради.

Бунга ўхшаш ҳолатларни ҳудудларда ташкил этилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони бўйича ҳам кўриш мумкин (2-расм).



2-расм. 2010 йили ҳудудларда ташкил этилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони¹²

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистон ҳудудларида 2010 йилда ташкил этилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони жами 561 тани

¹² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги расмий веб-саҳифасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган ва ҳисоб-китоб қилинган.

ташкил этган. Уларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 451 тани ташкил этди. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда инвестициялаш учун барқарор салоҳиятга эга бўлган минтақаларнинг аксарият қисмида уларнинг улуши оз бўлиб, 2010 йилда Хоразм вилоятида 1 та, Қорақалпоғистон Республикасида 1 та, Бухоро вилоятида 2 та Сирдарё вилоятида 4 тани ташкил этган. Бу эса, бир томондан маҳаллий ҳокимиятларнинг қулай инвестицион муҳит яратиш бўйича фаолиятларининг сустлиги билан баҳоланса, иккинчи томондан, лойиҳаларни амалга оширишдаги муаммоларни мавжудлиги, ушбу ҳудудларда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишдаги жиддий тўсиқлардан бир ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатишича, кейинги йилларда ҳудудий бошқармалар томонидан Ўзбекистон субъектлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг монополияга қарши қонунчиликка зид келадиган қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари аниқланган:

- маъмурий жараёнларда ортиқча расмийчиликнинг мавжудлиги;
- ишчи кучи миграцияси учун тўсиқлар яратиш;
- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз функцияларини масъулият билан бажармасликлари;
- ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликка риоя қилмаслик ҳолатлари;
- мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш даражасининг пастлиги;
- ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома мажбуриятларини бажармаслик;
- банк тизими ва бошқа молиявий институтларнинг кредитлашдаги муаммолари;
- миллий валютани конвертирлашдаги қатор муаммолар;
- хориж мамлакатлари билан савдо-сотиқ қилишнинг қониқарсиз ҳолатдалиги.

Гадқиқотлар курсатишича, узбекистон субъектларининг ижро ҳукумати органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари кўпинча ўз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва ҳаракатлари билан хўжалик субъектлари фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилади (монополияга қарши органлар аниқлаган барча қоидабузарликларнинг 30 фоизга яқини) ва асоссиз равишда айрим хўжалик субъектларига имтиёзлар тақдим этади.

Амалиёт кўрсатишича, ноқулай инвестицион муҳитнинг юзага келиши кўпинча солиқ юкининг ҳаддан ташқари юқорилиги ва бюджет тақчиллиги билан ҳам ифодаланади. Умуман олганда, солиқ юки – солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндисини ифодалайди. Бир қараганда солиқ юкини камайтириш бюджет даромадларига бевосита таъсирини кўрсатадигандай бўлса-да, лекин, узоқ ва давомли бўлган ишлаб чиқаришни таъминлаши орқали бюджет даромадлари тўлдирилишига хизмат қилади ва келгусида ижобий натижалар беради (2-жадвал). Лекин, фақат солиқ юки кўрсаткичи орқали солиққа тортишнинг тадбиркорлик субъекти молиявий фаолиятига таъсирини тўлиқ баҳолаб бўлмайди, бунинг учун солиқ ва мажбурий тўловларнинг жамланган юкидан ташқари уларни тўлаш бўйича ҳисобланган пенялар, қўлланилган молиявий

жарималар ва солиқ қарзларини мажбурий ундириш юзасидан келиб чиқадиган хўжалик суди божлари юкини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки, бюджет даромадлари фақат белгилаб қўйилган солиқлардан тушумлар ҳисобига эмас, балки улар бўйича ҳисобланган пеня, қўлланилган молиявий жарима ва хўжалик суди божларидаги тушумлар ҳисобига ҳам шаклланади.

2-жадвал

Солиқ юки ва бюджет даромадлари ўзгариши динамикаси,¹³
(ЯИМга нисбатан, % да)

№	Кўрсаткичлар	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й
1.	Солиқ юки	23,0	22,3	22,0	21,7	21,8
2.	Бюджет даромадлари	21,6	21,8	23,7	23,3	22,6

2-жадвалдаги мазкур солиқ юки ва бюджет даромадларининг ўзгариш динамикасини ЯИМга нисбатан қиёсий таққослаганда 2006-2010 йилларда солиқ юки тушиб келишига мутаносиб равишда 2006-2010 йилларгача бюджет даромадлари кўпайиб борган. Тадқиқотда амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, солиқ ставкалари тушиши бюджет даромадлари тушишига олиб келади, деган хулосага келиш тўғри эмас.


Тадқиқот ишида таъкидлаганимиздек, ушбу ҳолат маълум муддат ва миқдорда шундай бўлиши мумкин, лекин, инвестицион муҳитнинг яхшиланишига бевосита катта замин яратилади. Натижада, тадбиркорлик ривожланиши ва инвестицион фаоллик ошиши давлат ва маҳаллий бюджет даромадлари манбаи ҳисобланган солиқ объектларини, яъни солиқ тўловчилар кўпайишига олиб келиши билан бюджет даромадлари ўсишини таъминлайди. Иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Шунинг учун келгусида ҳам солиқ ставкаларини пасайтириш борасидаги ишларни рағбатлантириш керак. Бунинг учун солиқ ставкаларини унификациялаш ва солиқ солиш базасини такомиллаштириш борасида иқтисодий чораларни кўриш орқали солиқ тушумларини ошириб бориш лозим.

Амалиётда корхоналарнинг солиқ ва божхона органларини ўзбошимчалигидан ҳимоя қилинмаганлиги солиқ юкининг катталигидан ҳам оғир. Солиқ қонунчилигининг етарли даражада тўлиқ эмаслиги ва қарама-қаршиликлари ҳукукий ноаниқликларни келтириб чиқаради. Қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлар киритишнинг тез-тез рўй бериши қонунчилик мониторинги бўйича харажатлар ва молиявий рискларни оширади, бу эса, инвесторлар фаолияти ва Ўзбекистондаги инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатади.

2.3. Худудлар инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари

Президентимизнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузасида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.


Мамлакатимизга давлат кафолатлари асосида жалб этиган инвестицияларнинг асосий қисми нефт газ тармоғига тўғри келади. (6.2.1 - расм) Бу эса мамлакатимизнинг инвестицион салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётганлигидан далолат беради



2.3.1-расм.2011 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича улуши.

2011 йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мутлоқ қиймати 402 миллион долларни ташкил этган. Худудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг катта қисми Тошкент шаҳри (39,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келган ва хорижий сармоялар иштирокида

фаолият олиб бораётган корхоналар сони мазкур йилда 273 тага кўпайган. Умумий ҳисобда мамлакатимиз бўйича 2011 йилда хориж сармояси иштирокидаги корхоналар сони 372 тани ташкил этган. Бошқа ҳудудларимиз бўйича маълумотлар 6.1.3-расмда келтирилади.



**2.3.2-расм. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида
2011 йилда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар
ҳажми.**

2011 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони жами 4575 тани, шундан фаолият олиб бораётган корхоналар сони 4203 тани ташкил этган. Фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг 1600 таси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар ҳисобланади.

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга

барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ишларини амалга оширишда, бизнингча қуйидагилар асосий тамойиллар бўлиши лозимдир: ишончлилик, мажмуавийлик, долзарблик, қиёсийлик ва барқарорлик, қулайлик, очик-ойдинлик, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш мезонларининг ўзаро мувофиқлиги ва ўзаро боғлиқлиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз минтақанинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган қўйидаги асосий кўрсаткичларнинг тахминий таркибини таклиф қиламиз. Ушбу таркибда минтақанинг инвестицион жозибадорлигини деярли тўлиғича акс эттирувчи 23 та кўрсаткичлар танлаб олинди ва улар тўрт асосий гуруҳларга ажратилди (1-жадвал).

Минтақанинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш учун зарур бўлган асосий кўрсаткичларнинг тахминий таркиби⁵

№	Кўрсаткичлар номи
I. Минтақанинг ишлаб чиқариш-молния салоҳияти кўрсаткичлари	
1	Саноат ишлаб чиқариши ҳажми
2	Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўзгариши суръатлари
3	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми
4	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг ўзгариши суръатлари
5	Кичик тадбиркорликнинг ривожланиши суръатлари
6	Зарар билан фаолият юритаётган корхоналарнинг улуши
7	Корхоналар ички инвестиция ресурсларининг умумий миқдори
8	Чакана товар айирбошлаш ҳажми
9	Маҳсулотлар экспорти ҳажми
II. Минтақанинг ижтимоий салоҳиятини белгиловчи кўрсаткичлар	
10	Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги даражаси
11	Аҳолининг енгил автомобил билан таъминланганлиги даражаси
12	Аҳолининг телефон алоқалари билан таъминланганлиги даражаси
13	Минтақанинг каттик катлам қопланган автомобил йўллари билан таъминланганлик даражаси
14	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми
15	Аҳолининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси
16	Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси
III. Табиий-географик салоҳият кўрсаткичлари	
17	Нефть ва газ захираларининг (углеводород ресурслари) мавжудлиги
18	Минерал-ҳомашё ресурслари табиий захирасининг мавжудлиги (углеводороддан ташқари)
19	Ташқи савдо нуктаи назаридан минтақанинг транспорт-географик жойлашуви
IV. Минтақавий ижтимоий-сиёсий ва экологик ҳавфсизлик даражаларини белгиловчи кўрсаткичлар	
20	Ишсизлик даражаси
21	Минтақадаги экологик ҳолат ва иқлимнинг қулайлиги даражаси
22	Аҳолининг бозор муносабатларига бўлган муносабати
23	Минтақада сиёсий барқарорлик даражаси
Жами: Минтақа инвестицион жозибадорлигининг интеграл даражаси	

Ушбу танлаб олинган кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бизнингча бу кўрсаткичлар минтақанинг инвестицион жозибадорлигини комплекс баҳолаш имкониятини беради.

Таклиф этилаётган тизимда омилларни кўрсатувчи мутлоқ кўрсаткичлар асосида ҳар бир кўрсаткичнинг республика бўйича жамига нисбатан улуши ва уларнинг республика бўйича тегишли ўртача кўрсаткичга нисбатан нисбати ҳисоб-китоб қилинади. Кўрсаткичларни умумлаштириш орқали юқорида келтирилган тўрт йўналишнинг интеграл кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу тўрт йўналишдаги интеграл кўрсаткичларни умумлаштириш асосида эса минтақа инвестицион жозибадорлигининг интеграл даражаси аниқланади.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ва табиий-иқтисодий ресурсларнинг таъминланганлиги даражасига кўра, инвестициялар ҳажмини ортиб бориши кузатилди. Сурхондарё вилояти республикамизнинг нисбатан саноати ривожланган минтақаларидан бири ҳисобланади.

Қуйида биз, республиканинг жами инвестициялар ҳажмига нисбатан Сурхондарё вилоятининг инвестициялардаги улушини таҳлил қиламиз.

Таклиф этилаётган тизимда омилларни кўрсатувчи мутлоқ кўрсаткичлар асосида ҳар бир кўрсаткичнинг республика бўйича жамига нисбатан улуши ва уларнинг республика бўйича тегишли ўртача кўрсаткичга нисбатан нисбати ҳисоб-китоб қилинади. Кўрсаткичларни умумлаштириш орқали юқорида келтирилган тўрт йўналишнинг интеграл кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу тўрт йўналишдаги интеграл кўрсаткичларни умумлаштириш асосида эса минтақа инвестицион жозибадорлигининг интеграл даражаси аниқланади. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ва табиий-иқтисодий ресурсларнинг таъминланганлиги даражасига кўра, инвестициялар ҳажмини ортиб бориши кузатилди. Қуйида биз, республиканинг жами инвестициялар ҳажмига нисбатан Сурхондарё вилоятининг инвестициялардаги улушини таҳлил қиламиз.

Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг мавжуд қазиб олувчи ва қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Учинчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Юқорида қайд этилган ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

2.3.2-жадвал

Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш элементлари

№	Ҳудудлар	Ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг молиявий ресурслар билан таъминиши	Инвестицион инфра тузилма ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг демография тавсифи	Институционал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси	Мутлақ интеграл ранг кўрсаткич
1	Қорақалпоғистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шунинг ўрсатмоқдаки, минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта ва зок муддатли стратегик дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг муҳим йўналишлари қуйидаги тамойилларда ўз аксини топади:

- умуммиллий манфаатларни ва мамлакат миқёсида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш;
- ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиш ва минтақалараро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш;
- ҳар бир ҳудуд табиий-иқтисодий салоҳиятларининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг рақобат устуворликларини, минтақавий иқтисодиётни кластерлаштириш имкониятларини ҳисобга олиш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг қонуний-ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини

шакллантириш, турли минтақавий даражаларда рақобатбардошликни кучайтириш.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан инвестицион жозибадорлик билан белгиланади. Вилоятнинг инвестицион жозибадорлиги молиялаштириш манбаларини марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган инвестициялар ҳажми ва уларни ўзлаштирилиши билан ифодаланади.

Қуйидаги жадвалда эса биз, Сурхондарё вилоятининг инвестицияларининг ўзгариши динамикасини таҳлил қиламиз.

3-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят манбаларининг инвестицион жозибадорлиги марказлаштирилмаган инвестициялар улушини кўпайишида кузатилди. Бу эса минтақада хусусий тармоқларни ривожланиш даражасини ўсиб бораётганлиги ва умуман олганда, структуравий ўзгаришлар минтақада инвестиция муҳитини яхшиланганлиги ҳамда инвестицион жозибадорликнинг ортганлигидан далолат беради.

3 - жадвал

Сурхондарё вилоятининг инвестиция манбаларининг ўзгариши

	Инвестиция манбалари	2007	2008	2009	2010	2011
	Жами инвестициялар	100	100	100	100	100
	Марказлаштирилган инвестициялар:	28,9	35,0	44,9	33,0	22,5
1	бюджет маблағлари	12,8	11,5	12,8	11,4	11,8
2	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	10,4	8,9	21,6	17,4	4,6
3	хукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	5,7	14,6	10,5	4,2	6,1
	Марказлаштирилмаган инвестициялар:	71,1	65,0	55,1	67,0	77,5
4	корхоналарнинг уз маблағлари	50,5	28,1	31,7	20,5	30,0
5	тижорат банкларининг кредитлари	1,0	6,4	7,3	14,1	13,0
6	тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	5,0	15,5	1,1	6,5	3,9
7	аҳоли маблағлари	14,6	15,1	15,0	25,9	30,6

Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида 2007-2009 йиллар даврида инвестицияларнинг ўсиш суръати ўртача 125,4 фоизни ташкил этди.

Инвестицияларнинг ўсиш суръати вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кузатилди. Жумладан, 2011 йил 2010 йилга нисбатан Термиз шаҳрида 53,6 фоизга, Шерабод туманида 28,7 фоизга, Музработ туманида 15,9 фоизга, Денов туманида 14,9 фоизга ошган.

Бироқ, шундай бўлсада, вилоятнинг инвестицион жозибадорлигини оширишдаги катор муаммолар учрамоқда, жумладан вилоятнинг шаҳарларига кўпроқ эътибор қаратилгани ҳолда айрим қуйи туманларга маҳаллий ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш даражаси ўта пастлигича қолиб кетмоқда. Бу эса минтақанинг ушбу туманлари ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги 1455-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган вилоят ҳокимининг 2011 йил 10 январдаги № 5 сонли қарорига мувофиқ 2011 йилда вилоят иқтисодиётига молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан жалб этилган капитал қўйилмалар ҳажми 655,5 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,2 фоизга бажарилган. Вилоятда 2011 йилнинг январ-декабр ойи давомида марказлашган инвестициялар жами 147,2 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан Республика бюджети 78,3 млрд. сўмни, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари 28,9 млрд. сўмни, чет эл инвестициялари ва Давлат кафолати остидаги кредитлар 39,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, марказлашмаган инвестициялар 508,2 млрд. сўмни, яъни корхоналарнинг маблағлари 196,4 млрд. сўм, тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 85,4 млрд. сўм, тўғридан-тўғри жалб

этилатган хорижий инвестициялар ва кредитлар 25,7 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 200,7 млрд. сўмни ташкил этади.

Сурхондарё вилоятининг 2011 йилги Худудий инвестиция дастурига асосан жорий йилнинг январ-сентябр ойлари учун 62 та лойиҳа доирасида жами 31062,5 минг доллар инвестициялар жалб қилиниши белгиланган.

2011 йилнинг январ-сентябр ойлари давомида қўшимча таклиф этилган лойиҳалар билан бирга 61 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 92 та лойиҳа бўйича жами 31289,6 минг доллар инвестиция жалб этилди. Бунинг ҳисобига 6800 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2852,8 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди ва 1186 та қўшимча ишчи ўрни яратилди.

Хулоса ва таклифлар

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Инвестицион фаоллик барча соҳа ва тармоқларда жадал суръатларда амалга ошириб келинмоқда. Биргина Давлат мулки қўмитаси томонидан 2011 йилда 135 та олди-сотди шартномаси бўйича инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши назоратга олинган. 2011 йилда 88,1 миллион доллар ва 22,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятлари бажарилган. Шундан 1 миллион доллар ва 18,5 миллиард сўмлик қисми “ноль” қийматда сотилган объектлар бўйича бажарилган инвестиция мажбуриятлари ҳисобланади.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда вилоят инвестицион фаолликни оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат деб топилди:

- саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи корхоналарни хусусийлаштириш ва уларни жаҳон андозаларида маҳсулотларни тайёрлашни таъминлаш орқали инвестиция жараёнини фаоллаштириш;

- минтақанинг юқори сифатли мева-сабзавот етиштириш ҳамда қайта ишлашдаги салоҳиятлари ва афзалликларидан самарали фойдаланиш;

- инвестиция битимлари тузиш тажрибасидан фойдаланган ҳолда аниқ объект ва тармоқларга тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини йўналтиришни фаоллаштириш.

Минтақада инвестицион жозибадорликнинг оширишда инвестицияларни жалб этиш учун яратилган инвестиция муҳитига боғлиқлиги сабабли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни минтақа иқтисодиётига кенг жалб этиш учун қулай инвестиция шарт-шароитларини яратилиши, жумладан сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, табиий-географик, ижтимоий-сиёсий ва экологик хавфсизлик омиллар даражаси билан белгиланади.

Вилоят иқтисодиётининг асосий тармоқлари ривожланиши тенденцияларининг таҳлиллари натижасида, шунингдек Сурхондарё вилоятини 2009-2013 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мос равишда минтақани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ва амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўзида истиқболда инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг концептуал асосларини акс эттирувчи мажмуавий дастурий ҳужжатларнинг мавжудлиги келгусида минтақаларни янада барқарор ривожлантириш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Вилоят иқтисодиётидаги мавжуд шаклланган ҳолат асосида ва инвестицион

фаолиятларни фаоллаштириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда Сурхондарё вилоятининг инвестицион жозибадорлигини ошириш Концепциясини таклиф этамиз. Концепциянинг моҳиятига кўра, коммуникацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инновацион фаолиятларни ривожлантириш, инвестицион жараёнларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, инвестицион қонунчиликни такомиллаштириш, ривожлантириш инвестицион фондини ташкил этиш, тўғридан-тўғри инвестицион маркетинг тизимини шакллантириш, бизнес инфратузилмаларни ривожлантириш, уй-жой коммунал хўжаликларни реконструкция қилиш, устувор инвестиция лойиҳаларини кадрлар билан таъминлаш, инвестицион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар белгилаб олинди.

Концепцияни амалга ошириш муддатлари. Таклиф этилаётган концепция ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган бўлиб, бу минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва инвестицион соҳани фаоллаштириш муаммоларини ҳал этишга мажмуавий ёндашувнинг зарурияти билан изоҳланади.

Концепциянинг асосий вазифаларини амалга оширилиши куйидагилар орқали минтақанинг инвестицион муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш имкониятини беради: - халқаро меъёрлар талаби бўйича прогрессив инвестицион қонунчилигини ва қулай солиқ режимларини шакллантириш;

- юқори имкониятли инвесторларда инвестицияларни жойлаштириш учун жозибадор макон сифатида вилоятнинг образини шакллантиришга йўналтирилган минтақавий имидж сиёсатини босқичма-босқич амалга ошириш;

- юқори имкониятли инвесторлар, бизнес ва Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг эҳтиёжларини таъминловчи юқори профессионал даражадаги инфратузилмаларни ташкил этиш.

Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақаси, хусусан Сурхондарё вилояти ҳам ўзининг инвестицион жозибadorлигини белгиловчи ўзига хос омилларига эгадир. Бу ерда, қандай қилиб ушбу омиллардан самарали фойдаланиш ва уларни бошқаришни билиш муҳим аҳамият касб этади. Бизнингча, ўрганилаётган вилоятда бир қатор инвестицион жозибadorлик омиллари мавжуд бўлиб, улар минтақада инвесторларни жалб этувчи ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлигини, бу ерда янги ишлаб чиқаришларни жойлаштириш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари борлигини кўрсатади. Вилоятнинг ушбу санаб ўтилган ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, улардан оқилона фойдаланиш, вилоятда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва энг асосий инвестицион жозибadorликни ошириш асосида республика инвестиция жараёнларида Сурхондарё вилоятининг улушини сезиларли даражада ошириш имкони мавжуддир.

Келажакда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича тавсия этилаётган иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий механизмлари мамлакат бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш жараёни билан боғлиқликда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Уларнинг айримлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари ташаббускорлигида республика бошқарув ташкилотлари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: “Ўзбекистон”, 2008й.
2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси 2007 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг божхона кодекси 1998 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида” ги қонуни 1991.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бож тарифи тўғрисида” ги қонуни 1997й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги қонуни
7. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги қонуни
8. Ўзбекистон Республикасида “Бож имтиёзлари тўғрисида” ги қонуни
9. Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонун ва қарорлар. –Т.: №25, Ўзбекистон, 2004.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4354-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида” ги 2011 йил 7 февралдаги Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида” ги 1455-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида” ги 1668-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

15. Каримов И.А. ”Озод ва обод ватан, эркин ва форовон ҳаёт-пировард мақсадимиз”. Т«Ўзбекистон» 2000 й 66-бет
16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
17. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

18. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
19. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

Дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар

20. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт». – Т.: ТДИУ, 2004. 240б.
21. Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации./В.В. Аладьин.-М:Социум, 2002. с.17
22. Абрамов С.И. Инвестирование. – М.: Центр экономики и маркетинга, 2006. – 440
23. Бекмурадов А.Ш. ва бошқалар. Макроиктисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. 1-қисм. ТДИУ, 2005 й
24. Дегтярева О.И., и др. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: Дело, 2007. - 424 стр.
25. Данкевич А. Закономерности экономического развития.// Экономист. М.:2001.№11. с75.
26. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов М. «Инвестиция лойиҳалари таҳлили» Тошкент «Шарқ»2007
27. Ишмухамедов А.Э., Аскарлова М.Т. «Миллий иқтисодиёт». Ўқув қўлланма. – Т.; ТДИУ, 2004.
28. Исмаилов Д.А., Иқтисодиётда инвестиция жараёнларини бошқаришнинг функциялари, мақсади ва вазифалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5 май, 2011 йил
29. Клас Эклунд «Эффективная экономика», шведская модель М.: «Экономика», 1991 й., 96-бет
30. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон.
31. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.
32. Қосимов М. Дунё андозаси даражасида ривожланаётган агросаноат. /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 3/2011 й.

33. Региональная экономика. Основной курс. Учебник. Под ред. проф. В.Н.Видяпина, проф.М.В.Степанова. Москва Инфра-М. 2005
34. Ходиев Б.Ю, Бекмуродов А.Ш, Гофуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш –устувор мақсадимиздир” ҳамда «Асосий вазифамиз- Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: Иқтисодиёт.-2010 -331б
35. Шарп У., Г.Александр, Дж. Бейли «Инвестиции», Пер. с. англ.-М.: «ИНФРА», 2000 й., 979-бет
36. Яминова Г.Ш., Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2 ноябрь, 2011 йил
- Статистик тўпламлари маълумотлари.**
37. Сурхондарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари
38. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
- Интернет сайтлари.**
39. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали
40. www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти
41. www.review.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти
42. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти
43. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон таълим портали

